# XALQ DEPUTATLARI MUBORAK TUMAN KENGASHI
# QARORI

2022 - yil 12 - aprel VI-39-50-4-64-K/22 Muborak tuman hokimligi

**Xalq deputatlari Muborak tuman Kengashining 2022 yil 12 apreldagi VI-39-49-4-64-K/22-sonli qaroriga o'zgartirish kiritish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi "Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida, "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 6, 24-moddalariga muvofiq, xalq deputatlari tuman Kengashi

**QAROR QILADI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-5072-sonli qaroriga muvofiq Muborak tumani mahalliy byudjeti mablag'lari hisobidan shakllangan "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" mablag'larini Nizom talablariga asosan ilovaga muvofiq jamoatchilik fikri asosida yo'naltirilsin.

2. Tuman hokimligi moliya bo'limi (B.Sodiqov), G'aznachilik bo'linmasi (A.Nurmatov)lar "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"dan jamoatchilik fikri asosida sohalarga ajratilayotgan mablag'larni jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish bo'yicha tegishli soha rahbarlari bilan birgalikda loyiha smetalarni ishlab chiqsin va belgilangan tartibda moliyalashtirilishini ta'minlasin.

3..O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining "Ochiq byudjet" axborot portali orqali 2022-yilning 1-bosqichida "Tashabbusli byudjet" jarayonida fuqarolar tomonidan o'z hududidagi mavjud muammolarni bartaraf etish bo'yicha qoldirilgan takliflarning 3-bosqich, ya'ni "ovoz berish" jarayoni yakunida aniqlangan "g'olib" takliflar ro'yxati hamda undagi shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish tasdiqlangan manzilli ro'yxatga asosan amalga oshirilsin hamda "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"dagi qoldiq mablag'lar "g'olib" deb topilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun tayorlangan loyiha qiymatidan kelib chiqib mablag'lar yo'naltirilsin.

4.Tuman hokimining birinchi o'rinbosari v.v.b (G.Rajabov) hamda tegishli tashkilotlar bilan birgalikda ilova ko'rsatilgan "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" mablag'lari hisobidan jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirilishini hamda smeta loyiha qiymatidan ortib qolgan, iqtisod qilingan mablag'lar "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"ga qaytarilishini nazorat qilish vazifasi yuklatilsin.

5. Muborak tuman hokimligining Axborot xizmati (Y.Tuymurodov), tuman hokimligi moliya bo'limi

(B.Sodiqov) bilan birgalikda 3-bosqich, ya'ni "ovoz berish" jarayoni yakunida aniqlangan "g'olib" takliflar, shuningdek, undagi shakllangan tadbirlarning moliyalashtirilishi hamda amalga oshiriladigan ishlar bo'yicha ma'lumotlarni keng jamoatchilikka muntazam ravishda yetkazib borish vazifalari yuklatilsin.

6. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari Mnborak tuman Kengashining Mahalliy byudjetni shakllantirish va uni ijro etish, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish hamda tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari doimiy komissiyasi (Sh.Abdullayev) hamda tuman hokimining birinchi o'rinbosari v.v.b (G.Rajabov)lar zimmasiga yuklansin.

7. Mazkur qaror qabul qilingan kundan kuchga kiradi.

**Kengash raisi** **A.O.Aripov**

Xalq deputatlari Muborak tuman Kengashining
2022 yil 12 apreldagi
VI-39-50-4-64-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Muborak tumani bo'yicha 2022 yilda jamoatchilik fikri asosida shakillangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha MANZILLI RUYXAT**

| № | Golib taklif malumotlari | | | Amalga oshirishning aniqlangan qiymati (ming sum) | Xaqiqatda ajratilgan mablag (ming sum) | Moliyalashtirish manbasi (FTJ, qo'shimcha manba, byudjet parametri) | Buyurtmachi tashkilot |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Taklif ID raqami | Qisqacha mazmuni | tuplagan ovozlar soni | | | | |
| | | "Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi"da shakillangan mablag | | | 4 572 260,7 | | |
| 1 | 0630400001 | Sariq mfy xududidagi Shayx qishlogi va Mash'al mfyni boglab turuvchi 1 km 500 metr yul ta'mirlab, tuliq asfalt qoplamasi bilan ta'mirlash uchun. | 3311 | 950 000 | 950 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman obodonlashtirish boshqarmasi |
| 2 | 0630400182 | Qarliq MFY joylashgan 32-maktabning eshik va derazalarini almashtirish, sinfxonalarni ichki pardozlash va pol qismini ta'mirlash uchun. | 2926 | 250 000 | 250 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| 3 | 0630400181 | Paxtakor MFY joylashgan 13-maktabning 10 ta sinf xonasini pol qismini, sport zal va faollar zalini ta'mirlash, hamda maktabning old qismidagi 30 dona derazalarini almashtirish uchun. | 2366 | 300 000 | 300 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| 4 | 0630400176 | Kuxnashaxar MFY xududidagi Qarobog va Kuxnashaxar qishlogini boglab turuvchi 1 km yulni tamirlash uchun | 2270 | 500 000 | 500 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman obodonlashtirish boshqarmasi |
| 5 | 0630400017 | Sariq MFY joylashgan 16-maktab deraza romlarini akfa plastga almashtirish, maktab xovli devorini tamirlash, maktab sport zalini to'liq rekanstruksiya qilish | 2132 | 450 000 | 450 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| 6 | 0630400143 | Mash'al MFYdagi 6 km dan iborat ichki yo'llarga shaxal yotqizish ishlari uchun. | 1909 | 500 000 | 500 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman obodonlashtirish boshqarmasi |
| 7 | 0630400050 | Paxtakor MFY yangi uchastka kuchalarini 2-km shagal yul qilish uchun | 1776 | 550 000 | 550 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman obodonlashtirish boshqarmasi |
| 8 | 0630400179 | Yashnabod MFY joylashgan 8-maktab sport zalini, isitish tizimini va sinfxonalarni ta'mirlash uchun | 1677 | 400 000 | 400 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| 9 | 0630400213 | Qarliq MFYda joylashgan 10-maktabni joriy tamirlash uchun | 1482 | 300 000 | 300 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | Tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| 10 | 0630400020 | Istiqlol MFY joylashgan tibbiyot birlashmasi davolash bo'limlari binosini issiqlik tizimini tamirlash uchun | 1478 | 285 000 | 285 000 | Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi | tuman tibbiyot birlashmasi |
| | | **Jami** | **21 327** | **4 485 000** | **4 485 000** | | |
| | | **Taqsimlanmagan qoldiq mablag** | | | **87 260,7** | | |

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10

Муборак шахри. 16.06 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Муборак туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси** номидан низом асосида иш юритувчи рахбари **И.Эрисов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Карши шахар **"NASAF OMADLI YO'L QURILSH МЧЖ** номидан низом асосида иш юритувчи рахбари **Ф.Турсунов ,** икки ташкилот ўртасида ишларни бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Т А Ъ Р И Ф Л А Р

Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:
ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига мувофиклиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда қурилиш объектлари жумладан янгидан қуриш ишларини бажаришга доир ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича "Буюртмачи" томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Муборак туман Пахтакор МФЙ худудидаги ички йулларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш, «Буюртмачи » эса бу ишларини кабул килиб олиш смета хужжатларини тайёрлаб, смета хужжатларига асосан ва бажарилган иш учун хақ тулаш мажбуриятларини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3,1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, тўла таъмирлаш ишлари лойиха-смета хужжатларига асосан барча соликлар, йиғимлари ва ажратмаларни ўз ичига олган холда амалдаги нархда **533 500 000 (Беш юз ўттиз уч миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар "Буюртмачи" билан "Пудратчи" ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
Пудратчининг бажарилиши лозим бўлган объектдаги ишлари учун ўз техникаларини ўз хисобидан қурилиш материаллари, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлайди.
Объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва "Бош пудратчи"га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиклик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;
Шартнома шартларига асосан объектни "Буюртмачи"га тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига мувофик топшириш;
Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажм ва муддатларда, ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади;

Объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер майдонини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажаришни таъминлайди:

Қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди, урнатилган тартибда объектни суғурталашни таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Буюртмачи, Пудратчига биринчи навбатда зарурий материаллар учун шартнома қийматидан 50 % миқдорида аванс беришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 (икки) кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади. Пудратчи томонидан бажарилган ҳақиқий қурилиш-монтаж ишлари учун амалдаги қонун асосида Ф-2,Ф-3 ларга биноан туловни амалга оширади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2 Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш муддати «16» 06 2022-йилдан «30» 11 2022-йилгача

6.3. Мазкур шартнома буйича сув тармоги утказиш ишларини бажариб бериш, давом этириш вақти лойиҳа-смета хужжатлари асосида аниқланади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртматчи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун Буюртмачи томонидан молиялаштириши асос хисобланади. Объектда бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % ёки 160 050 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди. Қолган 70 % ёки 373 450 000 сўмни яъни якуний туловни «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат Ф-2, Ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

7.2. Буюртматчи Пудратчига шартнома бўйича жорий йилдаги иш қийматининг 30 % фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағ ўтказади. Аванс маблағларининг миқдори Пудратчи томонидан тақдим этиладиган ва Буюртмачи томонидан куриб чиқиладиган объектда ишларни бошлаш учун биринчи навбатда зарур булган қурилиш матриаллари хисоби асосида аниқланади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида саклаб колади. Объектни Буюртмачига топширулгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шкастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонига ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи объектда бажариган ишларининг хажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан объектнинг ўзида куриб чикади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) Буюртмачига топширади..

8.5 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.6 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.8 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучи ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

Пудратчи назорат дафтарида Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган иш хажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1 Муборак туман Пахтакор МФЙ худудидаги ички йулларини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш тугаллангунгача ва пудрат ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР

11.1 Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини;
ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;
объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.
Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

11.3 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

11.4 Пудратчи текшириш даврида аниқланган камчиликлари учун тулиқ жавобгар хисобланиб,100 % миқдорида ўз томонидан бартараф этади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи: Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2 Пудратчи:
Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
12.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Тўла таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ “Буюртмачи” олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

“Буюртмачи” билан тузилган шартнома асосида тўла таъмирлаш ишларини ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

Тўла таъмирлаш ишлари жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қуйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш орқали суриш;

Шартномада кузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасида чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кузда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хуқуқига эга.

13.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.3 Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хуқуқий баъзаси тўғрисида"ги 29.08.98 йилдаги қонунларига амал қилган холда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома барча ўзгариштириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хақиқий хисобланади.

15.2 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.4 Мазкур шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунигача амал қилади.

15.5 Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**«Буюртмачи »**
**«Муборак туман хокимлиги**
**«Ободонлаштириш» бошкармаси**
**Манзил:**Муборак туман Саноат худуди.
**Ш.х/р:**40172286010234704520411000б
**СТИР:**206999234,**ОКОНХ:**90211
Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Марказий банк Тошкент бошк. ХККМ
**Газна х/в:** 2340 2000 3001 0000 1010
**МФО:** 00 014 **СТИР:** 201 122 919

Рахбар: ____________ И.Эрисов

Хукукшунос ____________

**«Пудратчи »**
**"NASAF OMADLI YOL QURILSH МЧЖ**
**Манзили:** Карши ш Озодлик кучаси 35 уй
**Тел\факс:** (98) 777 0778
**Ш.х.р. 2020 8000 7049 9522 3001**
**СТИР:** 302 342 174 **ОКОНХ:** 61110
**МФО:** 00154
**Банк:** Савдогар банк Кашкадарё вил. Филали

Рахбар: ____________ **Ф.Турсунов**

____________

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NASAF OMADLI YO`L QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NASAF OMADLI YO`L QURILISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.07.2012 1828 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302342174

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, ARALOVUL MFY OZODLIK KO`CHASI 35-UY.

Guvohnoma: Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 96798 на приобретение Муборак туман Пахтакор МФЙ ички йўлларини жорий таъмирлаш (қум шағал аралашмаси билан таъмирлаш)

Способ проведения электронный

Дата 13.06.2022

Время рассмотрения 13.06.2022 10:16

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ERISOV ILYOS SHERQULOVICH | Raxbar | XXX |
| **Секретарь комиссии** | AQIYEVA LAYLO CHORIYEVNA | Iqtisodchi-hisobchi | XXX |
| **Член комиссии** | TO'RAYEV BEHZOD ABDIQADIROVICH | Xodimlar bo'yicha mutaxassis | XXX |
| **Член комиссии** | TOSHPULATOV UCHQUNBEK RUSTAM O'G'LI | Muhandis | XXX |
| **Член комиссии** | NAZAROV ALIBOY TOIROVICH | Brigadir | XXX |
| **Член комиссии** | SADINOV ANVAR QURBONOVICH | Bosh hisobchi | XXX |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.06.2022 года № лота 96798.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 78

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | Муборак туман Пахтакор МФЙ ички йўлларини жорий таъмирлаш (қум шағал аралашмаси билан таъмирлаш) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 550 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 550 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: транспорт воситаларини техник паспорти ёки ижара шартномаси илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ** | 10 | Хужжатлар тулик электрон шаклда илова килинади | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Курилишда фойдаланиладиган машина ва механизмлар руйхати мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO'L QURILISH МЧЖ | 10 | машина механизмлар руйхати | 10 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 8 | Экспертная | | |

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ | 10 | Барча талабларни тулик бажаришга кафолат берамиз | 9 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO'L QURILISH МЧЖ | 10 | кафолат хати | 9 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар хисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Хисоботлар нусхалари илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ | 10 | Хужжатлар электрон тартибда илова килинади | 9 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 9 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот мавжуд | 9 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO'L QURILISH МЧЖ | 10 | устаф молиявий натижа баланс | 10 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 7 | Экспертная | | |

Критерий №4 Курилиш даврида зарур малакали мутахассислари мавжудлиги тугрисида маълумотнома (Ишчи ходимларни малакаси ёки мутахассислиги тугрисидаги хужжат илова килинган холда) (мутахассислар маълумотлари асосан йул курилиши сохасида булиши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома нусхалари илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ | 10 | Хужжатлар тулик равишда электрон тартибда илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 9 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Курилиш даврида зарур малакали мутахассислари мавжудлиги тугрисида маълумотнома мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO'L QURILISH МЧЖ | 10 | Ходимлар сони ва тажрибаси тугрисида маълумотлар | 9 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 8 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG`ABEK МЧЖ | 10 | Хужжатлар тулик электрон шаклда илова килинади | 9 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Танлаш иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати мавжуд | 9 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ | 10 | кафиллик хати | 10 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | кафолат хати тақдим етилди | 9 | Экспертная | | |

Критерий №6 Охирги уч йилдаги ички йўлларни таъмирлаш ишларини лойиҳалашдаги иш тажрибаси тўғрисида маълумот (шартнома ва ҳисоб варақ фактуралар нусхалари хам илова қилинади) (шартнома ва ҳисоб варақ фактуралар нусхалари хам илова қилинади)

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнома ва ҳисоб варақ фактуралар нусхалари хам илова қилиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG`ABEK МЧЖ | 30 | Хужжатлар тулик электрон шаклда илова килинади | 27 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 30 | 538000000 | 27 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 30 | Охирги уч йилдаги ички йўлларни таъмирлаш ишларини лойиҳалашдаги иш тажрибаси тўғрисида маълумот мавжуд | 24 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ | 30 | Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари. | 30 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST | 30 | малумот нома тақдим етилди | 26 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| МЧЖ | | | | | | |

Критерий №7 Банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ | 10 | Хужжатлар тулик электрон шаклда илова килинади. | 9 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 9 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати мавжуд | 9 | Экспертная | | |
| NASAF OMADLI YO'L QURILISH МЧЖ | 10 | кафолат хати | 9 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлаш эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома нусхалари илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QILICHBEK PLYUS OG'ABEK МЧЖ | 10 | Хужжатлар тулик электрон шаклда илова килинади | 9 | Экспертная | | |
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 538000000 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 10 | Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маълумотнома мавжуд | | | | |
| NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ | 10 | карздорлдик йуклиги хакида маълумот | 10 | Экспертная | | |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 10 | малумот нома такдим етилди | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 550 000 000.00 | 550 000 000.00 | 06.06.2022 16:38:54 | 19.40 |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 550 000 000.00 | 540 000 000.00 | 07.06.2022 09:59:09 | 19.76 |
| NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ | 550 000 000.00 | 533 500 000.00 | 06.06.2022 19:10:33 | 20.00 |
| QILICHBEK PLYUS OG`ABEK МЧЖ | 550 000 000.00 | 550 000 000.00 | 06.06.2022 08:27:00 | 19.40 |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 550 000 000.00 | 538 800 000.00 | 06.06.2022 18:39:00 | 19.80 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 75.2 | 19.4 | 94.6 |
| QURILISH BRIGADA INVEST МЧЖ | 69.6 | 19.75926 | 89.35926 |
| NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ | 77.6 | 20 | 97.6 |
| QILICHBEK PLYUS OG`ABEK МЧЖ | 73.6 | 19.4 | 93 |
| ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS | 72.8 | 19.80327 | 92.60327 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 96798 от 13.06.2022 года на приобретение Муборак туман Пахтакор МФЙ ички йўлларини жорий таъмирлаш (қум шағал аралашмаси билан таъмирлаш) определила победителем:

NASAF OMADLI YO`L QURILISH МЧЖ
302342174

и резервный исполнитель: "AZAT TRANS GLOBAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302067437)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ERISOV ILYOS SHERQULOVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Член комиссии | NAZAROV ALIBOY TOIROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | TO'RAYEV BEHZOD ABDIQADIROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | TOSHPULATOV UCHQUNBEK RUSTAM O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | SADINOV ANVAR QURBONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: NB3116465003

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ NB3116465003

1.Loyihaning turi

Muborak tuman hokimligi Obodoblashtirish boshqarmasining Xo'jalik munosabatlariga oid, Pudrat shartnomasi loyihasi yuzasidan quydagilarni,

A N I Q L A D I M:

2. Loyihaning nomi

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining Pudrat shartnomalariga oid moddalari, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-25-32-moddalari, 96798-sonli lot bayonnomasi, Xalq deputatlari Mudorak tuman kengashiining 2022-yil 12 apreldagi VI-39-49-4-64-K/22-sonli Qaroriga, Muborak tuman hokimligi Obodoblashtirish boshqarmasining 78-sonli ma'lumotnomasiga asosan,

Keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan **Muborak tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi** nomidan Nizom asosida ish yurituvchi rahbari **I.Erisov** bir tomondan va keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan Qarshi shahar **"NASAF OMADLI YO'L QURILISH" MChJ** nomidan nizom asosida ish yurituvchi raxbari **F.Tursunov** ikki tashkilot o'rtasida ishlarni bajarishga doir mazkur pudrat shartnomasini tuzdilar

Shartnomani tuzilgan kunidagi umumiy narxi **533 500 000 (Besh yuz o'ttiz uch million besh yuz ming**) so'mni tashkil etadi.

Muborak tuman Paxtakor MFY yangi uchastka ko'chalarini 2 km ichki yo'llarini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish, «Buyurtmachi » esa bu ishlarini qabul qilib olish smeta xujjatlarini tayyorlab, smeta xujjatlariga asosan va bajarilgan ish uchun haq to'lash majburiyatlarini olishi to'g'risida shartnoma loyihasi,

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Muborak tuman hokimligi Obodoblashtirish boshqarmasi tomonidan 15.06.2022-yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan. Yuqorida qayd etilganlarga va O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 21-moddasiga asosan,

**X U L O S A   Q I L D I M:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asoslangan holda ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

**Markaz bosh yuriskonsulti**

**X.A.Boirqulov**
2022-yil "16" iyun